Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

12 декабрь 1973 йил, чоршанба ◆ № 290 (15.764). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Москвада КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленум «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида» ва «СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги докладларни тинглади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1973 йил 10 декабрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очилди.

Пленум «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги Давлат плани тўғрисида» СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. Байбаковнинг ва «СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети тўғрисида» СССР молия министри ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг докладларини тинглади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади.

Пленумда муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан музокаралар бошланди.

Музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари М. С. Горбачев, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, автомобиллар ишлаб чиқарувчи Москва бирлашмасининг бош директори П. Д. Бородин, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари А. В. Георгиев, приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри К. Н. Руднев, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черний ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1973 йил 11 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан бўлган музокараларда Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. Ашимов, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, электр-техника саноати министри А. К. Антонов, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, К. Е. Ворошилов номидаги Березники азотли ўғитлар заводи катализатор сеткалар мастери Е. А. Сальникова, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Б. Е. Шчербина, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. И. Шибаев, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Киев область Миронов районидаги Ленин орденли Жданов номли колхоз раиси А. Г. Бузницкий, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, СССР қора металлургия министри И. П. Казанец, КПСС Воронеж область комитетининг биринчи секретари В. И. Воротников ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми якдиллик билан тегишли қарор қабул қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА СССРНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин ва улар СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилсин.

Партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги қарорларини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фаолияти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қондалар ва хулосалар батамом ва тўла-тўкис маъқуллансин.

1974 йилги планни тўла ва ошириб бажариш умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини янада ошириш учун шароит яратади, деб ҳисоблансин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, барча партия ташкилотларига ўртоқ Л. И. Брежнев нутқига амал қилиб, коммунистларни, комсомолларни ва барча меҳнаткашларни 1974 йилги халқ хўжалик планини бажаришга сафарбар этиш ишини янада кучайтириб юбориш таклиф этилсин.

Расмий хабарлар

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДОКТОР НГУЕН ХИУ ТХО БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Жанубий Вьетнам Республикасининг Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги делегацияси 1973 йил декабрь ойининг иккинчи ярмида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин асарлари тўла тўпламининг еттинчи томини ўзбек тилида босиб чиқарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти асарлар бешинчи нашрининг рус тили текстидан таржима қилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми область партия органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети молия-хўжалик бўлимининг мудири Аҳрор Муқимович **Нарзиқуловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1973 йил 29 декабрь — шанба дан олиш кунини 31 декабрь — душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Камол АЗИМОВ — Сирдарё область, Жиззах районидаги Навоий номли колхоз раиси.



Тўлан ДАДАЖОНОВ — Сирдарё область, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси.



Абдусаттор ҚУРБОНОВ — Сурхондарё область, Шеробод районидаги Ленин номли совхоз механизатори.



Ҳамровали ОМОНОВ — Наманган область, Поп районидаги «Ленинград» колхозининг бригадири.

ОЛИЙ НИШОН МУБОРАК!

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

1973 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида катта муваффақиятларга эришганликлари, пахта, дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда энг яхши ўрнак кўрсатган қишлоқ хўжалик ишлорларига СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди ҳамда уларга Ленин ордени ва «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширишга қарор қилинди. Улар орасида Сирдарё область Жиззах районидаги Навоий номли колхоз раиси Камол АЗИМОВ ҳам бор.

— Ҳурматли Камол Азимович, аввало Сизни Ватаниинг юксак мукофоти билан қизғин муборакбод этамиз. Шу муносабат билан Навоий номли колхоз аҳлининг 1973 йилда эришган меҳнат ютуқларн билан газетхонларни таништириб ўтсангиз.

— Камтарин меҳнатимизни юксак баҳолаган жонажон партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Бу мукофот аввало колхоз меҳнат аҳлининг хизматига берилган баҳодир. Колхозимиз Сирдарё областининг, энг тўнғич хўжаликларидан бири сифатида маълум. Сурункасига бир неча ўн йиллардан бўён колхоз пахтакорлари деҳқончиликда катта муваффақиятларга эришиб келмоқдалар. Тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида 2450 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Она-Ватанга 9200 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Колхозимиз ҳосилдорликда областда «Москва» колхозидан сўнг энг юқори погоналардан бирига кўтарилди. Ортиқбой Раҳматов бошлиқ бригадада пахтадан рекорд ҳосил олинди. Бу бригадада ҳосилдорлик 60 центнерга етди. Толибжон Раҳматов, Аҳмад Бобоназаров, Мелибой Йўлдошев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳар гектар майдондан 45 — 55 центнердан пахта териб олинди.

— Ҳосилдорликнинг ортиши колхоз экономикасига қандай ўзгартишлар киритмоқда!

— Даромадга қараб буромад дейди халқимиз. Бу ҳақ гап. 1973 йилда колхозимиз бўйича 2 миллион 800 минг сўм даромад қилиш кўзда тутилган эди. Йил охиридаги сарҳисоб эса даромадимизнинг 5 миллион 600 минг сўмга етганини кўрсатди. Унинг 4,5 миллион сўм қисми фақат пахтачилик инъомидир. Ҳар бир центнер пахта таннарҳи пландаги 30 сўм ўрнига 28 сўмни ташкил этди. Таннарҳнинг кескин камайиб, даромаднинг ўсиб бориши колхознинг иқтисодий қувватини оширмоқда. Колхоз марказида 100 ўринли касалхона, 4 та ўрта мактаб, ошхона, чойхона, клуб меҳнат аҳлининг хизматида. Ҳар йили юзлаб хонадонлар янги уйларга кўчиб ўтмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида меҳнатда ўрнак кўрсатган оилалар 10—12 минг сўмга қадар даромад қилдилар.

— Узоқ йиллардан буён Навоий колхозининг тулпорлари мамлакат отчопарларида доим тараиб келмоқда. Бир пайтлар машҳур саркарда С. М. Будённийнинг эътиборини тортган колхоз бедовлари бўлардн. Колхоз йилқичилари уларнинг зотини яхшилаш ва кўпайтириш устида қандай ишлар қилмоқдалар!

— Колхозимизнинг ветеран раиси Урдуш ака Муқимов колхознинг шон-шуҳратига ва ибратли ташаббусларига биринчи пойдевор қўйгандилар. Колхозимизда йилқичиликни ривожлантириш ва зотини яхшилаш устида ҳам биринчи бўлиб бош қотирган киши устозимиз Урдуш ака эди. Улуғ Ватан уруши йилларида отлиқ армияга 300 дан ортиқ тулпор етказиб беришда ташаббус кўрсатган киши ҳам Урдуш ака бўлди. Колхозимиз унинг раислиги даврида ўзининг мустаҳкам ва истиқболли пойдеворига эга бўлганини биз сира-сира унутмаймиз. Уша йиллари машҳур саркарда Семён Михайлович Будённий колхози мизга тез-тез келиб турар, ажойиб отлар зотини етиштирган Урдуш акани бағрига босиб суратга тушганди. Кейинчалик йилқичиликни ривожлантириш ишига Оқил ака Олимов катта ҳисса қўшди. У йигирма йилдан ортиқроқ йилқичилик фермасига бошчилик қилди. Эндиликда эса колхоз йилқичилигига машҳур чавандоз Соатмўмин Бойназаров бошчилик қилади. Рифат Абдураҳимов, Халил Раҳматов, Абдураззоқ Норжигитов каби чавандозларимиз мамлакатнинг бир қанча отчопарларида юксак совринларни эгаллаб келишмоқда. Йилқичилик колхозимизнинг сердаромад ва истиқболли тармоқларидан бири бўлиб қолди. Шунингдек, 1200 бош қорамол, 310 бош сигир, 2000 бош қўй ва бошқа чорва туёқлари ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳар сигирдан 3 минг литрдан ошириб сут соғиб олинмоқда.

— Камол ака, сизни кўпчилик қишлоқ хўжалигининг актив жонкуяри, ташкилотчи коммунист сифатида танийди. Қишлоқ хўжалигининг ёш мутахассисларига қандай маслаҳатларингиз бор!

— Улуғ Ватан уруши йилларида 18 ёшимда колхозда пахтачилик бригадасига етакчилик қилганман. Кейинчалик чорвачиликка ўтдим, бригадир, ферма мудири бўлдим. 1953 йилдан колхоз партия ташкилотининг секретари ҳамда раис ўринбосари бўлиб сайландим. 14 йилдан буён эса шу хўжаликка етакчилик қилиб келмоқдаман. Менинг ёшларга айтадиган бир сўзим бор холос: марҳум устозимиз Урдуш ақанинг шундай ўгити бўларди: «Яхшилик ерда қолмайди, яхшилик қилинглар, болаларим» дерди у киши. Бу сўзларнинг маъзига етсам, инсон бу дунёда фақат бир-бирига яхшилик қилиши, яхши бўлиши, яхшилик келтириши лозим. Бу эса ўз навбатида инсондан яхши меҳнат қилишни, ҳалол бўлишни ва инсонга муҳаббатни талаб қилади.

— Тўққизинчи беш йилликнинг улкан режалари ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз!

— Шу беш йилликда план бўйича давлатга 31 минг тонна пахта сотишимиз лозим. Беш йилликнинг уч йилида 26 минг тонна пахта етказиб бердик. Келгуси йили ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, она-Ватанга 12 минг тонна «оқ олтин» совға қилмоқчимиз. Шунда беш йилликнинг улуғвор вазифалари уч ярим йилда бажарилган бўлади. Колхозимиз келажаги янада порлоқ. Пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликнинг ҳамма тармоқлари гуркираб ўсиб, ривожланиб боради.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

11 декабрда Кремлда Н. В. Подгорний раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Президиум саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг 12 декабрда очиладиган VII сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар юзасидан таклифларни муҳокама қилди. Сессиянинг иш тартиби тўғрисида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари А. П. Шитиков билан Е. С. Насриддиновалар таклифлари ҳамда ҳар икки палата оқсоқоллар кенгашининг мажлиси билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам кўриб чиқилди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР ҳукумати СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети, 1972 йилги бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссиялари олдиндан кўриб чиққанликлари тўғрисида Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси К. М. Герасимов билан Иттифоқ Совети план-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари В. Г. Ломоносовнинг ахборотини тингладн.

Президиум тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ёшлар ўртасида ишлаш комиссиялари ва табиатни қўриқлаш комиссиялари иштирокида халқ хўжалиги плани ва бюджетини олдиндан кўриб чиқишни ўз вақтида тугаллаганликларини ҳамда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советига тақдим этиш учун улар юзасидан хулосалар тайёрлаганликларини қайд қилди. (ТАСС).

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР, ЯНГИ УФҚЛАР

БОҒОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Боғот райони ташкил топганига уч йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида қўлга киритилган ютуқлар салмоқдор. Халқ хўжалигини юксалтириш ва маданий қурилиш соҳасида олдинга томон дадил қадамлар қўйилди. Янги районнинг истиқболи яна ҳам порлоқ.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили якунлари, КПСС XXIV съезди қарорлари қайдай амалга оширилаётганлиги партия конференциясининг диққат-марказида бўлди. Район партия комитетининг кўп қирралифаолияти, ташкилий ва сиёсий ишлари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинди.

Район партия комитети ҳисоботи юзасидан райкомнинг биринчи секретари М. Вайсов қилган докладда ҳам, делегатларнинг нутқларида ҳам халқ хўжалик планларининг бажарилиш якунлари, экономикани ривожлантириш масалалари асосий ўринни эгаллади. Баъзи рақамларни келтирамиз: Пахтачилик — етакчи тармоқ. Район хўжаликлари уч йил мобайнида пландаги 101 минг тонна ўрнига 116 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етиштирдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида ва республикамизга Халқлар дўстлиги орденини топшириш вақтида сўзлаган нутқлари пахтакорлар ғайратига-ғайрат қўшди. Бу йил район областда биринчи бўлиб маррага етди. Давлатга 38,8 минг тонна пахта сотилди. Бу — пландагидан 4380 тонна кўпдир. Пахта ҳосилдорлиги 39,3 центнерга етди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли, Ленин номли ва «Победа» колхозлари, 50-60 центнерчи ўнлаб бригадалар ҳосилдорликни оширишда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Район партия ташкилоти пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлини изчил амалга оширяпти. Бу йил 20 минг тонна пахта машиналар билан териб олинди. Райком бу соҳада «Коммуна» колхози ташаббусини кенг ёйди.

Пахтачилик билан бир қаторда бошқа соҳалар ҳам жадал ривожланмоқда. Район қорвадорлари ўтган йилнинг IV квартали ва шу йилнинг олти ойи якунларига кўра Бутуниттифоқ мусобақаси ғолибларидан сафидан ўрин олиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети байроғи билан тақдирланди. Ихтисослашган «Боғот» совхозида шоли етиштириш йил сайин кўпайиб боряпти. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини кўпайтиришга ҳам эътибор кучаймоқда.

Ҳисобот докладида асосий эътибор қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш тадбирларига, етилган ва ҳал этилиши зарур бўлган масалаларга қаратилди. Тўрт колхоз, олтмишдан ортиқ бригада районнинг ўртача кўрсаткичидан паст ҳосил етиштирди. Янги ер ўзлаштириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмади. Пахта етиштиришни кўпайтиришнинг бу резервларини ишга солиш пайти келди. Пахта-беда алмашлаб экиш суст жорий қилинмоқда. Ерларни текислаш, мелиорациялаш, деҳончилик маданиятини ошириш ишлари қониқарсиз аҳволда. Чорвачиликни механизациялаш, моллар зотини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирлар тўла амалга оширилмаётир. Колхозларнинг экономикаси тўхтовсиз ривожланаётган бир пайтда қишлоқ қурилишини жадаллаштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, турмуш маданиятини юксалтириш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Район партия комитети ҳисоботида ташкилий-партиявий ва сиёсий ишларда тўпланган ибратли тажрибалар умумлаштирилди, мавжуд камчиликлар танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги вақтда райондаги колхоз, совхоз, корхона ва муассасаларда 54 та бошланғич, 93 та цех партия ташкилотлари, 18 та партия группаси иш олиб боряпти. Улар атрофига 1435 коммунист бирлашган. Коммунистларнинг 80 процентдан кўпроғи бевосита моддий бойликлар яратишда меҳнат қилмоқдалар. Улар социалистик мусобақага етакчилик қилмоқдалар, авангардлик ва ташаббускорлик кўрсатаётирлар.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштириш даврида коммунистларнинг активлиги янада ошди. Ҳозиргача 23 та бошланғич ташкилотда партия ҳужжатлари алмаштирилди. Коммунистларнинг 46 проценти янги нусхадаги партия билетини олди. Якка тартибдаги суҳбатлар партия аъзоларида ўз бурчларига садоқат, интизом ва масъулият ҳиссини кучайтирди.

Партия йиғилишларининг чинакам тарбия мактаби бўлишини таъминлаш, партия топшириқлари ва қабул қилинган қарорларнинг аниқ бажарилишига эришиш, партия ўқувини ва иқтисодий таълимни ташкил этиш, жамоат ташкилотларига раҳбарлик ва оммавий-сиёсий ишларни уюштириш соҳасида етарли иш олиб борилмаётир. Бошланғич ташкилотлар ҳисобида 1 мингдан ортиқ сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи ва агитаторлар бор. 32 та оммавий кутубхона, 25 та кино установка, 15 та клуб идеология ишининг муҳим воситаларидир. Аммо уларнинг фаолиятида расмиятчиликка барҳам берилмаган. Кўпчилик бригадаларда цех партия ташкилоти ва партия группалари тузилмаган. Партия сафларини ўстириш ва ёш коммунистлар билан ишлашга жиддий аҳамият берилмаётир.

Район партия комитети ҳисоботини муҳокама қилиш жараёнида ибратли ташаббус ва тажрибалар қайд қилиниши билан бирга ишдаги камчиликлар сабаб, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **И. Дўсов** коллектив хўжалик экономикасининг равнақ йўлини характерлаб берди. Колхозда пахта ҳосилдорлиги 42,3 центнерга, ялпи ҳосил эса 8500 тоннага етди. Эндиликда гап — барча соҳаларни комплекс ривожлантириш устида бораяпти. Жамоат чорвачилигининг рентабеллиги ошиб, катта даромад олинмоқда. Колхоз чорвадорларининг беш йиллик режаларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Қишлоқ маданиятини юксалтиришда кўп ишлар қилинди, шаҳар типидаги обод посёлка бунёд этилди. Нотиқ райком эътиборини илғор тажрибаларни оммалаштириш, ҳар бир қарор ва тадбирнинг бажарилишини охирига етказиш масалаларига қаратди.

«Коммуна» колхози бошланғич партия ташкилотининг секретари **Ш. Аҳмедов** ўз нутқида тащкилий ва сиёсий иш методларини такомиллаштиришда райком бўлимлари ва инструкторлари бошланғич ташкилотларга конкрет ёрдам кўрсатишлари зарурлигини таъкидлади.

Боғот қишлоғида янги пахта тозалаш заводи қурилиб, йил бошида ишга туширилган эди. Қишлоқ меҳнаткашлари орасидан ишчилар ўсиб етилди. Завод йиллик планни уддалаб, ҳозир келгуси йил ҳисобига ишламоқда. Коллективнинг аҳди 1974 йил планини республиканинг олтин тўйигача бажаришдир. Завод бошланғич партия ташкилотининг секретари **О. Машарипов** корхона ишчиларининг режалари ҳақида сўзлаб берди, пахта тозалаш цехи қурилишини тезлатиш, илғор технологияни жорий этиш юзасидан ўз мулоҳазаларини айтди.

Жданов номли колхоз раиси **О. Абдуллаев**, Димитров номли колхоз партия ташкилоти секретари **Т. Курбонова**, Киров номли колхоз аъзоси **К. Матёқубова** ўз нутқларини қишлоқларни қайта қуриш, турмуш маданиятини юксалтириш масалаларига бағишладилар. Район ижроия комитети раисининг ўринбосари **О. Машарипова** депутатлар ва доимий комиссиялар фаолиятини яхшилашга доир баъзи таклифларни баён қилди. Сут соғувчи **Р. Матёқубова**, бригада-партия ташкилоти секретари **Р. Душамова**, совхоз партия ташкилоти секретари **С. Мавлонов** ва бошқа делегатлар ташкилий-партиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш, социалистик мусобақани авж олдириш, ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланиш юзасидан муайян таклиф ва мулоҳазаларини ўртага қўйдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг секретари **Р. Жуманёзов** қатнашди ва сўзга чиқди.

Район партия комитетининг янги состави ва область партия конференциясига делегатлар сайланди. Ўртоқ **М. Вайсов** район партия комитетининг биринчи секретари, **Р. Абдураҳимов** ва **Н. Мадраҳимов** Ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хушхабарлар

БУХОРО

МИЛЛИОН ЛИТР СУТ

Бухоро, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг машҳур сут соғувчиси, СССР Олий Советининг депутати М. Ғаффорова ўзига бириктирилган 60 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4200 литрдан сут соғиб олиб, социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

Депутат меҳнат қилаётган ферма соғин сигирлардан ҳозиргача 1 миллион литр сут соғиб олишга эришди. Коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун кураашаётган сут-товар фермаси бундай муваффақиятга биринчи марта эришди.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Область чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, сут ва тухум тайёрлаш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Давлат тайёрлов пунктларига 35 минг тоннадан ортиқ сут, 50 миллион 300 минг дона ўрнига қарийб 55 миллион дона тухум етказиб берилди. Эришилган муваффақиятга Свердлов, Ромитан, Ғиждувон, Вобкент ва Навоий районлари чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

Область хўжаликларида давлатга чорва маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.

УЧ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бухоро шаҳар саноат корхоналари коллективлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича уч йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Бухоро шаҳар саноат корхоналари коллективлари уч йиллик планга қўшимча 34 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

МЕҲНАТ ВА ЯКУН

- **МУСОБАҚА — МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ.**
- **МАҲСУЛОТЛАРГА ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИЛАРИ.**
- **ИЛҒОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА.**
- **МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЯНАДА КЎПАЯДИ.**
- **ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ БИЛАН.**

Янгийўл шаҳар саноат корхоналари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Булар орасида шаҳар пойафзал фабрикасининг фидокор ишчилари олдинда бормоқдалар. Пойафзалчилар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда кўпдан-кўп ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Фабрикада ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда аҳоли учун чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш учун жуда кўп ишлар амалга оширилаётир. Шунинг учун ҳам Янгийўл пойафзал фабрикасининг кўпчилик маҳсулотларига нисбатан талаб кундан-кунга ортиб боратёир. Айниқса бу ерда болалар учун тайёрланаётган пойафзаллар ўзининг чиройлилиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради.

Яқинда болалар пойафзалларидан сакқиз хилига давлат сифат белгиси берилди. Бу — коллектив эришган жуда катта муваффақиятлардан биридир.

Бундай ютуқлардан илҳомланган пойафзалчилар кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун барча имконият ва резервлардан унумли фойдаланмоқдалар. Чунончи, фабрикада ўз шахсий беш йиллик нормасини бажарган ишчилар, келгуси йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган илғорлар кўпчиликни ташкил этмоқда.

— Бундай ҳаракатга фабрикамиз ишчиларининг кўпчилиги қўшилган, — дейди илғор мотористка Евдокия Куприяненко, — бу эса коллективимизда илғорларнинг кўпайишига катта ёрдам бермоқда.

Евдокия Куприяненко бу фабрикада бир неча йиллардан бери ишлаб келмоқда. Кейинги вақтларда корхонада юз бераётган меҳнат кўтаринкилиги, ишчиларнинг шижоат ва ғайрати бунчалик кенг тус олмаганлигини таъкидлайди. Унинг ўзи ҳозир 1976 йил ҳисобига ишламоқда. Бундай илғор пойафзалчилар фабрикада кўплаб топилади.

Ёшлар айниқса фидокорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар иш суръатини оширишга ёрдам берувчи ҳар қандай янгиликни ишлаб чиқаришда қўлланишга интиладилар. Уларнинг кўпчилиги ўрта мактабни тамомлаб, етуклик аттестати билан шу фабрикага ишга келган ёшлардир.

— Мен ҳам ўрта мактабни битириб ишга келганман, — дейди фабриканинг илғор ишчиси Ғани Фозилов, — коллектив мени ўз бағрига олди, севимли устозлардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Улар мени ўз фарзандларидек тарбия қилишди, мен улардан чексиз миннатдорман.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар фабрикада ўз меҳнатлари билан камол ва иқбол топмоқдалар. Мана, Ғани Фозиловнинг ўзи қисқа вақт ичида бир неча касбни эгаллаб олди. Коллектив ёрдамида катта ютуқларни қўлга киритишга эришди. Эндиликда унинг номи фабрика «Ҳурмат тахтаси»дан тушмайдиган бўлиб қолди. Бу йил унинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Фабрика коммунистлари уни ўз сафларига олишди — у партия аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинди.

Корхона қучоғида бундай илғор ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг меҳнат биографияси бир-бирига жуда яқин. Лекин йигит-қизларнинг мақсадлари, интилишлари, жонажон коллективларига бўлган садоқатлари ҳаммани ҳувонтирмоқда.

Фабриканинг фидокор коллективи ойлик ва кунлик топшириқларни тўла ва ошириб адо этмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ пойафзалчилар пландан ташқари 30 минг жуфтдан кўпроқ пойафзал ишлаб чиқаришга эришдилар. Шу кунларда меҳнат вахтасида туриб ишлаб, суръатни ҳар қачонгидан ҳам оширмоқдалар. Улар йил охиригача пландан ташқари 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Янгийўл пойафзалчиларининг йилни муваффақиятли якунламоқдалар. Буларнинг ҳаммаси фидокорона ва ҳалол меҳнатнинг натижасидир.

Я. ТЎХТАЕВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Редакция текшириш ҳамда чора кўриш учун юборган нарпайлик Б. Отамуродов хатига шу район халқ маорифи бўлимидан жавоб келди. Жавобда айтилишича, текширишда 8- ўрта мактаб директори Э. Тошев устидан ёзилган хатдаги фактларнинг бир қисми тасдиқланган. Масалан, Э. Тошевнинг ўтган йили мактаб территориясига чегарадош бўлган колхоз экин майдонининг 6 сўтих ерига маккажўхори экгизиб ўз манфаати учун ўзлаштирганлиги, мактаб қурилиши ва ремонтида қатнашган ишчиларга маош тарқатишни ўз бўйнига олганлиги каби қонунга хилоф ишлари ҳақиқатан ҳам содир бўлган.

Текшириш якуни Нарпай район партия комитети бюросида муҳокама қилингач, Э. Тошевга қаттиқ выговор берилган ва у ўз вазифасидан бўшатилган.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Ўн уч фарзандни тугиб тарбияламаётган онаман. Асойишта, фаровон турмуш кечираётган эдик. Рўзмат Йўлдошев деган безори фаровонлигимизни бузди, оиламиз шаънига доғ туширди. Қизим Новотжонниинг номусини таҳқирлади. Область судининг аъзоси Д. Матмуродов жиноятчини қилмишига яраша жазолаш ўрнига, негадир унинг жазосини енгиллаштириш йўлини тутди. Редакциядан ҳақиқат ўз ўрнида қарор топишида ёрдам беришни сўрайман.

Урганчлик Ровия Искандарованинг ана шу мазмундаги хати текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Олий судига юборилганди. У ердан олинган жавобда айтилишича, жиноятчи Рўзмат Йўлдошев қайта суд қилинган ва у 10 йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. Номус ўгрисн қилмишига яраша ана шундай жазоланди.

ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ

«Мактаб биноси қурилиши огизда бор-у, амалда йўқ. Ўқувчилар ноқулай жойда ўқитиляпти». Редакция бир группа газетхонларнинг шу мазмундаги хатини текшириш ва чора кўриш учун Пастдаргом район ижроия комитетига юборган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, текширишда хатда кўрсатилган фактлар тўғри бўлиб чиққан. Ильич номли наслчилик совхози дирекцияси саккиз йиллик мактаб биноси қурилишига 20 минг сўм, район халқ маорифи бўлими эса 2 минг сўм маблағ ажратган.

Ҳозир мактаб учун янги бино қуриш бошланди. Қурилиш ишларини наслчилик совхозининг бинокорлари олиб боришмоқда.

«ЗАНГОРИ ЭКРАНДА»

ЎЗБЕКИСТОН—ИТТИФОҚ ТЕЛЕЭКРАНИДА

Марказий телевидениенинг 10 декабрь куни эфирда кўрсатган махсус программаси республикамиз меҳнаткашларининг катта ғалабасига бағишланди.

Кўрсатув бошида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов мамлакат телетомошабинларига гўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида миришкор пахтакорлар, ғаллакорлар, пиллачилар, чорвадорлар, ишчилар, қурувчиларимиз эришган улкан ютуқлар ҳақида сўзлаб берди.

Программада қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида унумли меҳнат қилаётган пешқадамлар ҳақида ҳикоя қилувчи ёркин кино лавҳалар намойиш қилиб кўрсатилди. Кинокамералар ёнига таклиф этилган Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, донгдор механизаторлар О. Акбаров, С. Продан механик-ҳайдовчиларнинг жасоратлари, фидокорликлари ҳақида ҳикоя қилдилар.

Кўрсатувда Қарши—Шеробод чўлларига оби-ҳаёт келтираётган, кўрик ерда «оқ олтин» ундираётган марди майдонлар, вилтга чидамли янги пахта навларини етиштираётган селекционер олимлар, кўплаб пахта терим машиналари ишлаб чиқараётган ишчиларга ҳам ўрин берилди.

Ажойиб ҳаракат — «Минглар шартномаси»нинг ворислари ва давомчилари — ивановолик тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Пухова, ўзбекистонлик пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов бир-бирларини табриклашди.

Телевизион программа республикамизнинг СССР халқлари оиласида гуллаб яшнаётгани, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, фан ва маданиятда янгидан-янги чўққиларни эгаллаётганини янс эттирувчи муҳим воқеадир.

А. КАРИМОВ.



Суратларда фабриканинг илғор ишчиси, Ишчи коммунисти Ғани Фозилов ҳақида давлат сифат белгиси берилган маҳсулотлар акс эттирилган.

Г. Пун ва А. Горокрик фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

НАЗАРИЯ ВА ПРАКТИКА МАСАЛАЛАРИ

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ШАХС

Инсон — табиатдаги барча мавжудотларнинг шоҳи. Унинг туғилиши бир бахт, яхши тарбия топиб, улуғ мақсад йўлида фойдали шахс бўлиб етишуви ундан ҳам катта бахт. Хўш, унинг кексалиги-чи?

Кексалик... Унинг жисмоний аҳволи ўз-ўзидан аён. Лекин руҳий дунёсичи? Кексаларнинг мураккаб руҳий олами қадим замонлардан то бизга қадар олимлар эътиборини ўзига жалб этиб келди. Донолар кексалик ҳақида жуда кўп қимматли фикрларни айтиб қолдиришган. Бу ажойиб маънавий ёдгорликларда мутафаккирларнинг ички кечинмалари ва адолатсиз тузум тамғаларини кўрамиз.

Мана қадимги дунё ақл-заковатининг чўққиси Арасту... У ёшликда соғлом ўсди. Зеб бериб кийинди, завқ билан илмга берилди. Устози Афлотун ҳақиқатни осмондан изласа, у ердан, ҳаётдан қидирди. Узининг ўткир зеҳни ва чуқур мулоҳазалари туфайли қадимги дунё фалсафасининг ҳукмрони бўлиб қолди. Ветиним йиллар ўтаверди, у кексайди. Рақиблари унинг ҳақида ғийбо, фисқу-фужурлар тарқата бошладилар. Уларнинг бири македониялик Искандар ўз устози ва дўсти Арасту юборган заҳардан вафот этди, деса, бошқалари уни ҳудоларга шак келтиришда айблади. Энди унга сарой ҳам, гўзал Афина ҳам бегона эди. Олтмиш ёшдан ошган, соғлиги заифлашган буюк доноишманд умрининг охирги дамларини Евбей оролида ўтказишга мажбур бўлди. У ўша ерда 63 ёшида кексалик ҳасратларини ўз «Риторика» (нутқ санъати) асарида баён этиб, оламдан ўтди.

«Риторика»да кексаликнинг руҳий олами жуда чуқур ифодаланган. Унда айтилишича, кексалар узоқ умр мобайнида алданганлар, хатоларга йўл қўйганлар, кишилар орасида бемаъни ишлар кўп бўлганлигидан зада бўлиб қолганлар. Кексалар шубҳаланса, унга сабаб уларнинг ишонмаслиги, ишонмасликларига сабаб тажрибали бўлганликларидир. Шунинг учун ҳам уларда кучли севги ҳам, кучли нафрат ҳам бўлмайди. Уларнинг севгиси нафратга, нафрати севгига тайёрдир. Кексалар, дейди Арасту, ўз қадр-қимматларини ва улуғворликларини англашни истамайдилар, чунки ҳаёт уларни ёввош қилиб қўйган, улар улуғликка ва одатдагидан бошқачароқ бўлишга чанқоқ эмаслар. Улар сахий бўла олмайдилар, чунки ўз тажрибаларига кўра мулкни қўлга киритиш қийинлиги, сарфлаш эса осонлигини яхши биладилар. Кексалар тортинчоқ, андишали ва ҳадиксирайдиган бўладилар. Ҳадиксираш эса, ўзига хос совушдир. Улар нафосат учун эмас, кўпроқ самара учун яшайдилар. Умид келажакка, хотира эса ўтмишга қаратилганлиги туфайли, ҳаётнинг босиб ўтилган йўли узун, қолган қисми қисқа бўлганлиги учун улар кўпроқ хотиралар билан яшайдилар. Кексалар ҳаётни севадилар, имони ихтиёр қилсалар шуни айниқса кўп қўмсайдилар.

Буюк мутафаккирларнинг бу сўзлари неча асрлар давомида аччиқ ҳақиқат бўлиб қолди. Қулдорлик ҳам, феодализм ҳам, капитализм ҳам кексаларга бахт келтиролмади. У даврларда кексалар эмас, мулкдорлар ҳурмат қилинар эди. Ҳатто тириклигида меросхўр қизларига ўз бойлигини тақсимлаб берган подшолар ҳам қарилик чоғида хорзор бўлганлигини машҳур драматург Вильям Шекспир «Қирол Лир» трагедиясида зўр маҳорат билан тасвирлаганини кўпчилик билади.

Хусусий мулкчиликка асосланган жамиятларда ҳатто камбағал оиланинг бошлиғи ҳам ҳукмдорлик тимсоли эди. Унга мият назарида оиладаги меҳнат қобилиятини йўқотган кексалар ошиқча юк бўлиб кўринарди. Шунинг учун ҳам кексалар ёш билан боғлиқ бўлган хасталикдан ташқари моддий ва руҳий азобларга дучор бўлар эдилар.

* * *

Хусусий мулкчиликка асосланган жамиятлар киши умрининг заволи бўлиб, уларни кексалик даври ғаштдан бебаҳра қилиб қўйган. Кексалар алам ва фарёд чекиб кўз юмар эди. Кексалик — бедаво дард деган эди, машҳур юнон материалисти Демокрит.

Киши умрининг ҳар бир фаслига сайқал берувчи даврни Улуғ Октябрь социалистик революцияси очди. Чинакам инсонпарвар тузум-социализм ва коммунизмгина киши умрининг олтин даври кексаликнинг моҳиятини, мазмунини тубдан ўзгартириб юборади. Коммунизмда кексалар ҳеч кимдан ҳатто ўз фарзандларидан ҳам моддий манфаатдор бўлмайдилар. Улар «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган принцип бўйича ҳаёт кечиради.

Коммунизм шундай бойликка эга бўладики, ундаги фаровонлик инсон тақдирини мақсадга мувофиқ ҳал қилади. У даврда кексалик тўла-тўкис жамият қарамогига олинади. Кексаликнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари максимал даражада қондирилади. Кексаларнинг кўпчилиги жамиятга муайян юк сифатида эмас, балки тузумнинг рамзи сифатида қаралади. У даврда кексаларга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш янада юксак погонага кўтарилади. Фаровонлик, медицина ёрдами, жисмоний тарбия, юксак аҳлоқий муҳит узоқ умр кўриш соҳасида жиддий ўзгаришлар яратади. Кишилар максимал умр кўриб, уларнинг ижодий меҳнат қобилияти ҳеч йилдан ҳам ошади.

* * *

Коммунизм шароитида кексалар меҳнат резерви эмас, балки маданий, тарбиявий, маиший ҳаётнинг актив кучига айланади. Жамият кексалик қатламининг қалобланишини коммунистик ўз — ўзини бошқариш фаҳри, ёш авлоднинг узоқ умр кўришига актив таъсир этувчи ўринак кучи бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, кексалар қатламининг қалинлиги адолатли жамият тараққиёти даражасини характерловчи фактордир. Улуғ Октябрь кексалик муаммосини ҳал этишда муҳим давр очди. Социалистик тузум ривожлана борган сари, унинг иқтисодий, маданий-маиший, тиббий вазифалари ҳал этилиб борган сари шаҳарлар ва қишлоқларда кексалар аҳволида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Умумий моддий фаровонлик, пенсия таъминоти, даволаш хизматини ривожлантириш, уй-жой, маиший хизмат, дам олиш жойларини кўпайтириш, кексаларга бой маънавий дунё, юксак малака хазинаси сифатида қараш, уларнинг ёшини, хизматини муносиб тақдирлаш бунга ёрқин мисол бўла олади.

«Ҳозир сиз, — деб ёзадилар мамлакатимиз ҳақида канадалик Дайсон ва Шарлотта Картерлар ўзининг «Озодлик келажаги» деган асарида,— ўн беш та иттифоқдош республикалар-нинг биронтасида ҳам очликдан азоб чекаётган кексаларни топа олмайсиз. Уларда қишлик иссиқ кийимга ҳам муҳтожлик йўқ. Медицина ҳеч кимдан ўз хизматини аямайди. Ҳаёт учун энг зарур бўлган нарсалардан ҳеч ким ўзини қисмайди».

Фақат социализмгина кексаларга чинакам бахт берувчи жамият эканлиги рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатга айланди. Эндиликда «Кексайганда бой бўлиш озодлиги» тўғрисида буржуа маддоҳлари тўқиган уйдирмаларга капитализм ҳукм сураётган мамлакатлар меҳнаткашларини ҳам, миллий-мустақилликни учун курашаётган ҳамда ривож-

МАШҚ, ИНТИЛИШ БЎЛСА

Ҳаваскорларнинг шеърларини ўқиб

Редакцияга ҳар куни неча ўнлаб мактублар, хатлар келиб туради. Уларнинг кўпчилиги адабиётга ихлосмандлари, шеърият мухлисларидан. Кейинги пайтларда бадиий ижодиётимиз майдонида янги номлар пайдо бўлаётгани, улар проза ва поэзия жанрида катта-кичик асарлар ёзиб, ўзларига хос ютуқларга эришаётгани қувонарли воқеа, албатта. Улкан адабиётимиз чаманзорида ўз кўрки, тароватн билан ажралиб турган, талантлар плеядаси сафида ўз ўрни ва ўрнига эга бўлган истеъдодли ёшлар устозлар изидан дадил олга бориб, камолот ва маҳорат чўққиларини забт этаётганликлари ҳамманинг кўз ўнгида, диққат марказида.

Илк қадамларини ўқиш, ўрганишдан — ҳаваскорликдан бошлаган Ҳусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуриллаева, Гулчеҳра Жўраева, Муҳаммад Али, Ойдин Ҳожиева, Сайёр, Омон Матжон, Халима Худойбердиевалар тез орада ўқувчилар ътиборини қозондилар, танилдилар, севилдилар. Бунга албатта, машқ, интилиш, меҳнат орқали, ижод масъулиятини чуқур ҳис этиш туфайли эришилди. Бу ёшлар ўз ҳаётларини, тақдирларини адабиётга бағишлаганлар, умрларининг мазмунини шеъриятдан тасаввур эта олмайдилар. Улар катта адабиётимизга кучли бир оқим бўлиб қўшилиб кетдилар.

Оқим тўхтаб қолмайди. Оқим ортидан оқим келаверади. Редакцияга келаётган хатлар оқими ҳам ғамсиз бу фикрга далил бўлиши мумкин. Ҳаваскор қаламкашларнинг редакцияга йўлланаётган машқий асарлари бундан кейин ҳам ёзувчиларимиз, шоирларимиз сафи кенгайиб боришидан далолат бериб турибди. Айрим авторларнинг ниҳоя мисралари ўқиб қувонасан киши. Уларда истеъдод куртаклари яшн ураётгани, шоирона мушоҳада шаклланаётгани, фалсафий фикр юритиш, ижтимоий масалалар кўтарилаётгани диққатга сазовордир. Соғлом, теран, жарангли сатрларни ўқиб туриб, бехтиёр отахон шоир Уйғунинг қуйидаги умид ялқов бахш этувчи мисралари ёдга тушади:

Мен истардим: ажсимча, шеър,
Езиғанда бир гунча бўлса,
Сўнг гул очса, мева қилса-ю,
Бора-бора шарбатга тўлса...

Ҳа, чиндаким шоир бўлишни истаган ёш дўстларга ана шу қимматли истакни ана бир бор эслатиб қўйиш ўринли бўлар, деб ўйлаймиз.

Шеърлар, машқлар, ниҳол мисралар... Улар ранг-баранг мавзуларда, турли жойлардан келган, ҳар хил касбдаги ҳаваскорлар йўллашган.

Бу йил серқуёш Ўзбекистонимна пахтадан улкан хирмон тикилади. Олтин қўлли қаҳрамонлар тарихда мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Она-Ватанга 4 миллион 900 минг тоннадан ортиқ «кумуш тола» сотилди. Бу буюк воқеа, бу ғалаба, бу муваффақият шоирларга ҳам илҳом бағишлади. Қалам аҳллари ўз қувонч-шодликларини, юрак туйғуларини —азамат деҳқонлар, мард механизаторларни мадҳ этувчи шеърий мисраларини редакцияга йўллашди. Шеърларнинг кўпчилигида машъал пахтакорлар, толиб чеварлар, илғор «ўлат от» суворийлари мадҳ этилади. Фарғоналик Рўзимат Раҳматуллаев, самарқандлик Ўроқ Сиддиқов, Раҳим Наимов, қўқонлик Муяффар Шералиев, андижонлик Қўчқор Тешабоев, Йўлдош Султонов, Абдуллажон Ўрунов, бухоролик Абдураҳмон Отауллаев, тошкентлик Наби Мамадалиев, Зафар Маҳмудов, Жонали Шодмонов, Иқром Суяриев, солдатлар Аҳмад Фозилов, Аскар Норбоев ва бошқаларнинг шеърларида «оқ олтин» бунёдкорларининг шарафли меҳнатлари, улкан кутуқлари самимий, илиқ, жўшқин тарннум этилади, катта жасорат, мардликка таҳсинлар ўқилади.

Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп, деганлардек, бу серқирра ҳаётимизда ижодкор учун мавзу кўп. Она юрт мадҳи, Ватанга садоқат, меҳнатга фидойилик, севгига вафо, ёшлик гурури, дўстлик тароналси... Мавзулар ранг-баранг бўлганидек, шеърларнинг савияси, салмоқдари ҳам турлича. Айрим ярқ этиб кўзга ташланувчи сатрлари бор шеърлар йўқ эмас. Лекин, аксарият қисми ҳароратсиз, рангсиз, сасз шеърлар. Уларни бирма-бир ўқийсиз. Айримларини қўлга олиб, марҳум отахон шоиримиз Собир Абдулланинг «Муштум» журналида эълон қилинган бир ғазалининг ушбу сатрларини бехтиёр эслайсиз:

Яхши шоирлар кўпайсин,
ортсин-у, камланмасин,
Пойма-пой вазну, кераксиз
жумлалар жамланмасин,
Ҳамма завқлансин ўқиб,
мазмуни мубҳамланмасин,
Баъзилар ёзган ғазалдан
қорнимиз дамланмасин,
Бу ғазал бечора шўрлик
мунча мулзамланмасин!..

Тўғри, академиклик Рафиқ Мухторовнинг «Ўзбекистон», Нурмат Немонвловнинг «Болаларга», Сирдарёлик Мавлонберди Фармонқуловнинг «Йўлдош қизига», самарқандлик Ҳолҳўжа Эшоновнинг «Яратдик бўстон», самарқандлик Бердимурод Юсуповнинг «Опамлардай бўлиш ахдим», тошкентлик Жаҳонгир Отамуродовнинг «Бўлмас», Абдумалик Малаҳўжаевнинг «Саккизликлар», солдат Ваҳобжон Саидовнинг «Фарғона» сарлавҳали шеърларида нисбатан поэтик қлиқлик, бадиий равонлик, янги гап айтишга интилиш бор. Бу авторлар чиндан ҳам шеъриятнинг захматларини, қийин томонларини қалбдан ҳис этадилар, бу соҳанинг нақадар нозик ва кўп меҳнат талаб қилишини тушунадилар. Шоир бўлиш учун чуқур билим, кенг мушоҳада, катта ҳаётий тажриба ва албатта талант бўлиши зарурлигини тан оладилар. Уларнинг машқларида бу ҳол сезилиб турибди. Мазкур ҳаваскорлар буюк адибимиз Ойбекнинг «Шеър ёзиш — ҳарсанг тош устида гул ўстиришдек қийин иш» деган нақлининг мазмун-моҳиятига амал қиладилар.

Афсуски, кўпчилик ҳаваскорларимиз шундай эмас. Улар назарида бадиий ижод шунчаки эрмак, кўнгилхушлик учун қилинадиган машғулотга айланиб қолган. Редакцияга юзаки, нола-партишлик билан ёзилган, ҳатто ўта саводсизлнкни намойиш этиб йўлланаётган «ижод» намуналари ҳам тезтез келиб туради. Ушанақа «шоир»ларга шеър-кашфиёт шеър-ихтеъдод меваси, шеър-меҳнат маҳсули, шеър-нафосат, шеър-кўнгил кўзгуси эканлигини яна бир бор эслатиб ўтишга тўғри келади.

Тожик халқининг буюк классик шоири Рудакий:

Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

деганида юз бор ҳақлидир. Шоир аввало ҳаётни чуқур ва атрофлича билиши, кўриши лозим. Ақлзаковатда, билим ва тажрибада илғор бўлиши керак. Ўзи билмаганни бировга маъқул қилиш мумкинми? Асло!

Шундай экан, қуйидаги сатрларга нима дейиш мумкин?

Пахтакор номиз улуғ!
Элга осмон бўлдингиз,
Ватанга юзиз ёруғ!
Тилда достон бўлдингиз.
(Солижон РАЖАБОВ, Бухоро)

Офарин ҳамма
селекционерларга,
Она-Ватанни доим бойитган.
«Тошкент» нав экиб ерларга,
Дунёни қойил этган.
(Садат ОСТОНОВ, Қашқадарё).

Бедазорлар фермалар учун,
Пахтазорчи? — элга нфтихор!
Пахтакорлар измида дон,
Гувиллаган механизмлар!
(Эркиной АБДУҚОДИРОВА, Фарғона).

Ҳаёт учун йўлга бошлар
Ўқитувчим,
Бошдан келиб алефбени
Ўргатди.
Барқираган тўғри йўлни
кўрсатди,
Ватан учун муҳаббатни
уйғотди.
(Қурбонмурод НУРМАТОВ, Сурхондарё).

Узоқ Сибирь томондан,
Бутун юрак томондан,
Саломимни йўлладим.
Она юртим —
Ўзбекистоним.
(Файзулло НОРҚОБИЛОВ, солдат).

Мазкур мисраларда на фикрий ўзвийлик, на поэтик жозиба, на изланиш белгилари ва на янгилик сезилади. Меҳнат қилмай, заҳмат чекмай, ўйламай-нетмай тавакқал қилиб тизиб ташланган бу «шеърий мисралар»дан кимга қанча наф тегади? Ўйламай ёзилган бирон-бир сўз, ибора бошқаларни ҳам ўйлата олмайди, албатта. Ахир, халқимизда «ўйнаб айтсанг ҳам, ўйлаб айт», деган нақл бекорга айтилмаган-ку!

Хуллас, бугунги талаб, шеъриятга бўлган бугунги эҳтиёж бутунлай ўзгача. Ижодкор халқимизга талант билан яратилган асарлар керак. Юксак дидли ўқувчига баланд истеъдод билан ёзилган асарлар ёқади.

Ижод ўлчовлари ҳаммага — бошловчи ҳаваскорга ҳам, ижодорли қаламкашга ҳам бир хилдир. Фақат жўшиб ёзиш, илҳомланиб ёзиш, яхши асар яратиш керак. Шеър — ижодий меҳнат маҳсули, кўнгил кўзгуси эканлигини унутмайлик.

А. ЮСУПОВ.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг боришн тўғрисида 1973 йил 11 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш процснти

Фарғона	121,2	122,3
Хоразм	8,6	107,5
Андижон	185,2	105,9
Сирдарё	299,2	103,0
Тошкент	216,5	103,0
Самарқанд	243,4	102,5
Наманган	134,8	100,1
Қашқадарё	138,2	97,6
Сурхондарё	136,9	97,5
Бухоро	166,7	91,2
ҚҚАССР	26,9	39,6
Республика бўйича:	1677,8	99,4

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН

Нукус шаҳрининг чеккасида қурувчилар учун дам олиш базаси барпо этилди. Бу базада 166-қурилиш тресги ва йирик панелли уйсозлик комбинатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари дам олиш кунларини ўтказадилар. Яхши жиҳозланган икки қаватли бинода ошхона, ётоқхоналар бор.

Баҳор фаслида бу ерда гулзорлар барпо этилади, манзарали дарахтлар ўқазилади. (ЎзТАГ).

Жаҳон бўйлаб

УРУГВАЙ ВАТАНПАРВАРЛАРИГА ОЗОДЛИК

◆ ГУАЯКИЛЬ. Эквадор Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Уругвай маъмурларининг халққа қарши қилаётган қаракатларини кескин равишда қоралади. Эквадор коммунистлари Бордаберри ҳукумати Уругвай Коммунистик партиясини ҳамда бошқа прогрессив партияларва ташкилотларни тақиқлаб қўйганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитети халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисмендини, кенг фронт юкроня комитетининг раиси Л. Сереньни ва Уругвайнинг бошқа ватанпарварларини дарҳол қамоқдан бўшатишни талаб қилмоқда.

◆ УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг меҳнаткашлари, деб ёзади «Унэнь» газетаси, Уругвайдаги репрессияларга чек қўйишни талаб қилмоқдалар.

Уругвайнинг ҳукмдор тўдаси, деб ёзади газета, мамлакат меҳнаткашларининг социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини бостириш мақсадида шундай ҳаракатлар қилмоқда.

◆ БЕРЛИН. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети эълон қилган баёмотда айтиладики, Уругвайда даҳшатли террор қилинаётганлиги энг оддий гражданлик ҳуқуқларини ва эркинликларини қўпол равишда бузишнинг ўзидир, бу террор барча демократлар, бутун тараққийпарвар инсониятга қилинаётган дағдағадир.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Родиой Арисмендини ва қамаб қўйилган бошқа сиёсий арбобларни дарҳол бўшатиб юборишни, Компартиянинг ҳамда Уругвайдаги бошқа тараққийпарвар сиёсий партияларинг ва ташкилотларнинг тақиқланганлигини бекор қилишни талаб этди.

◆ МЕХИКО. Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленуми Уругвайдаги репрессияларни кескин қоралади.

Пленум қатнашчилари реакцион диктатурага қарши кураш олиб бораётган Уругвай Коммунистик партиясини ва мамлакатнинг барча ватанпарвар кучларини тўла равишда қувватлаётганликларини айтдилар. (ТАСС).

Г. ГУСАК ПРАГАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ПРАГА, 10 декабрь. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Чехословакия Миллий Фронти Марказий Комитетининг Раиси Густав Гусак Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визитини тамомлаб, бу ерга қайтиб келди.

Г. Гусак Ҳиндистон бош министри Индира Ганднинг таклифига биноан 3 декабрдан 9 декабрга қадар Ҳиндистонда меҳмон бўлган эди.

Камбағаллар қисмати

ВАШИНГТОН, 10 декабрь. (ТАСС). Вашингтоннинг ўн минглаб йўқсиллари яшашга бутунлай яроқсиз бўлган кулбаларда ачинарли ҳаёт кечирмоқдалар. Катта кўпчилиги негрлардан ва АҚШ. нинг бошқа майда миллатларидан иборат бўлган бу одамларнинг таҳдирини «Вашингтон пост» газетаси «Фожиали қисмат» деб атамоқда.

Пойтахтдаги бу аҳоли олаётган даромад расмий равишда белгилаб қўйилган «камбағаллик даражаси»дан ҳам паст. Бу кишилар энг оддий санитария нормаларига жавоб бермайдиган, каламушлар ғужғон ўйнаб юрган ярим вайроналарда ҳаёт кечирмоқдалар. Улар пуллари етишмаганлиги ва квартираларга тўланадиган ҳақ ниҳоят даражада юқори бўлганлиги сабабли нормал уй-жойга кўчиш имкониятига эга эмаслар.

Сенатор М. Хэтфилд сенат аъзоларининг диққат ва эътиборини мана шу кишиларнинг оғир қисматига жалб қилди.

Энг ҳаяжонли нарса шуки, деди сенатор, Америкадан бошқа катта шаҳарларнинг ҳаммасида ҳам аҳолининг энг камбағал табақалари мана шундай шароитда ҳаёт кечирмоқда.



ТУРКИЯ. Европани Осиё билан боғловчи кўприк ишга тушди. Босфор бўғози устидан ўтган дунёдаги энг йирик бу кўприк қурилиши 1969 йилда бошланган эди. Кўприкнинг узунлиги бир ярим километрдан зиёдроқ, баландлиги сув сатҳидан 64 метр, эни эса 33 метрдан ошиқдир. Суткасига 20 минг автомашинани ўтказа оладиган Босфор кўприги Туркия учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Суратда: Босфор устидан ўтиб икки қитъани бирлаштирган осмон кўприк.

Кейстон—ТАСС фотоси.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ҚОҲИРА, 10 декабрь. (ТАСС). Яқин Шарққа бағишланиб Женевада ўтказиладиган сулҳ конференциясида Миср қандай шартлар билан қатнашишга рози эканлиги тўғрисидаги хабар «Ал-Аҳром» газетасида босилиб чиқди.

Конференцияда қатнашиш тўғрисидаги таклифномани Хавфсизлик Кенгаши юбориши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияларини амалда рўёбга чиқариш шу конференциянинг мақсади эканлигини ҳам Хавфсизлик Кенгашининг ўзи таъриф лаб беради, деб ёзади «Ал-Аҳром» газетаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари конференцияга ўз вакилини тайинлайди. Манфаатдор томонларнинг ҳаммаси — Миср, Сурия, Иордания ва Исроил, худди шунингдек Фаластинни озод қилиш ташкилоти ҳам конференцияда қатнашишлари лозим. Ҳозирги вақтда. деб ёзади газета, конференцияда Ливанни қатнаштириш учун музокаралар олиб борилмоқда.

БАЙРУТ, 10 декабрь. (ТАСС). Иордания қироли Хусайн Фаластинни озод қилиш ташкилотининг раҳбарларига яқинда Иорданиянинг «яраштириш планини» юборган эди. Фаластиннинг қаршилик ҳаракати бу планни рад қилди. Фаластин информация агентлигининг хабарига қараганда, шу планда, жумладан, Иорданияда фаластинликларнинг вакилларини ўз ичига олган ҳукумат тузиш кўзда тутилади: бу ҳукумат Женевадаги сулҳ конференциясига юборилади ган Иордания делегациясини тайинлайди.

Ливан маъмурлари билан Фаластин қаршилик ҳаракати ўртасидаги муносабатларда кескинлик пайдо бўлди, деб Байрут матбуотининг баъзи органларида босилиб чиққан хабарларни Ливан ички ишлар министрлиги рад этди. «Бу хабарлар, — деди министрликнинг вакили, — мутлақо ёлғон».

СССР—ЧССР шартномасининг 30 йиллигига

МУҲИМ БОСҚИЧ

Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва уруштан кейинги ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганлигига бугун 30 йил тўлди. Бу шартнома ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб хизмат қилди.

Суверен социалистик давлатларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги алоқаларда бутунлай янги истиқболлар очди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тузилганлиги социалистик мамлакатларнинг фақат ўз кучларигагина таянмасдан, балки кучқувватлари ва тажрибаларини бирлаштириб ҳамкорлик қилиш имконини берди. Бугунги кунда совет ишчиси Германия Демократик Республикасида тайёрланган дастгоҳни бошқармоқда. ГДР ишчиси эса Совет Иттифоқидан олинаётган нефтни қайта ишламоқда. Чехословакия совет маъданини олмоқда, Венгрия Руминияга ёрдам кўрсатмоқда. Социалистик мамлакатларнинг олимлари илмий проблемалар ва бошқа кўпгина масалаларни биргаликда ҳал этмоқдалар. Социалистик мамлакатлар сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликда халқаро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамламоқдалар.

Шартнома кучга киргандан кейин СССР билан Чехословакия ўртасида савдо-сотиқ ва илмий-техникавий ҳамкорлик беқиёс даражада ўсди. Буни Ўзбекистон билан Чехословакия ўртасида ривожланиб бораётган савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Чехословакия Ўзбекистондан машинасозлик ва кўпгина хом ашё маҳсулотлари сотиб олмоқда. Фақат «Таштекстильмаш» заводининг ўзи етти йил ичида ЧССР га 558 та турли хилдаги тўқув машиналари, Тошкент экскаватор заводи эса саккиз йил давомида 264 экскаватор юборди. Шунингдек, Чехословакия Ўзбекистондан химиявий асбоб-ускуналар, кабель буюмлари, радио лампалар ва бошқа кўплаб маҳсулотларни сотиб олмоқда.

Ўзбекистон экспортида пахта толаси муҳим ўрин тутади. «Центротекспрага» ташқи савдо бирлашмасининг раиси Ярослав Госерскнинг сўзи фикримизнинг далилидир: «Кўп йиллардан бери Чехословакиянинг тўқимачилик саноати Ўзбекистондан олинаётган пахта билан ишламоқда. Чехословакияда истеъмол қилинаётган пахтанинг деярли кўп қисми Ўзбекистондан олиб келинаётир. Бу бизнинг Совет Иттифоқи билан ташқи савдо соҳасидаги битимимизнинг муҳим қисмидир».

Ўз навбатида Чехословакия Ўзбекистонга машинасозлик, электр техника, химия саноати маҳсулотларини етказиб бермоқда. Масалан, қардош Чехословакия Қорақалпоғистонга катта ёрдам кўрсатди. 1961 йилда Прагадан бир неча сузувчи насос станцияси олинди. Бу насос станцияларининг ҳар бири секундига 7,5 куб метр сув етказиб бера олади ва паррахли насослардан 37 тасининг ўрнини босади. Мазкур насос станцияларни ишга туширишда Қорақалпоғистонга Чехословакия мутахассислари келишди. Ўзбекистон пойтахти учун Чехословакиянинг «Тесла» фирмаси тайёрлаган «Игла» телевизион передатчиги 1966 йилда Тошкент телемарказида ишга туширилди. Бу передатчик телевизион эшиттиришларнинг сифатини анча яхшилаш имконини берди.

Ўзбекистон Чехословакиядан кўплаб халқ истеъмоли молларн, жумладан, тикувчилик ва мўйна буюмлар, чарм пойафзал, музика асбоблари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар олмоқда. Чехословакиядан сотиб олинаётган бу маҳсулотлар Ўзбекистон халқ хўжалигини янада ривожлантиришда республикамиз меҳнаткашларининг фаровонлигя ва маданий савиясини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон билан Чехословакия ўртасидаги ўзаро муносабатларда илмий ва маданий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон олимлари Чехословакияда ўтган кўпгина халқаро илмий анжуманларда иштирок этдилар. Мамлакатларимизнинг олий ўқув юртлари ўзаро студентлар айирбошлаш ишларини кенг йўлга қўйганлар. Масалан, Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг 13 студенти 1970 йилнинг августида Чехословакиянинг Пардубице шаҳридаги химия-технология олий мактабида уч ҳафталик практика ўтказдилар, Прагадаги йирик химия заводлари билан танишдилар. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонга чехословак студентларининг бир группаси келди. Улар Чирчиқ электр-химия комбинатида практика ўтишди ҳамда республикамизнинг қатор илмий тадқиқот институтлари ва корхоналарини бориб кўришди.

Мамлакатларимиз ўртасида адабиёт ва санъат соҳасида ҳам ижодий ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Чехословакияда чиқадиган «Живот» журналининг бош редактори Власта Дачкалова Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Ватанига қайтгач, республикамиз ҳақида очерклар сериясини эълон қилди. Чехословакиянинг миллий қаҳрамони Юлиус Фучикнинг номи Ўзбекистонликларга яхши таниш. Унинг Ўрта Осиё республикалари ҳақидаги очерклари ЧССРда ҳам, Ўзбекистонда ҳам қайта-қайта нашр этилди.

1967 йилнинг августида Чехословакиянинг Прага, Брно, Острава, Братислава, Кошице шаҳарларида совет цирки артистларининг гастроллари бўлди. «Тошкент» номи билан томошалар кўрсатган цирк артистларининг чиқишлари катта муваффақият билан ўтди.

Чехословакиялик кинематографчилар Ўзбекистонда кўпгина фильмларни суратга олдилар.

Тошкент телестудиясининг ҳужжатли фильм усталари «Дўст кўзи билан» фильмини яратишди.

Совет Иттифоқининг бошқа қардош республикалари билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам Чехословакия билан социалистик интернационализм принципларига асосланган иқтисодий ва маданий ҳамкорликни муваффақиятли амалга оширмоқда.

К. КАРИМОВ,
тарих фанлари кандидати.

данаётган ёш мамлакатлар халқлари ҳам ишонмай қўйдилар. Социализм шароитида кексаларнинг бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечириши факти мазлум халқларни тобора социалистик ориентация позициясини тавдошларига ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда ривожланган социализм қуриш жараёнида кексалик ёши анчагина орқага чекинди. Совет психологларининг таъбирига кўра, 22-60 ёш кишилар умрининг етук даври, 61-74 ёш ёшнинг қайтган даври, 75-90 ёш кексалик даврндир. Совет кишилари умрининг бу типологик даврлари ўзига хос хусусиятларга эга.

22 — 60 ёшдагилар жамиятнинг асосини ташкил қиладилар. Бу давр шахснинг етук даври ҳисобланади. Чунки бу даврда шахс ўз фаолиятини кенг кўламда намоён эта олиши учун барча субъектив имкониятларга эга бўлади. Бу даврда фаолият ҳиссий кечинмалар билан эмас, ақл ва идрок билан амалга оширилади. Ўз иродасини бошқариш камолга етади. Бу ёшда кишиларнинг хотираси кенг ва чуқур бўлади. Улар жамият, коллектив ва оила олдидаги бурч ва вазифаларини айниқса чуқур ҳис қиладилар, ўз ҳаётларини шунга монанд равишда қурадилар. Шу билан бирга жамоатчилик фикрининг таъсирчанлигини ҳис этиш қобилияти ҳам кучли бўлади. Ўзини ҳар жиҳатдан тутиб олиш, атрофлича фикрлаб иш тутиш каби фазилатлар камол топади.

61 — 74 ёшларда киши сезилар-сезилмас даражада ёши қайтиш даврига киради. Бу ёшнинг биринчи беш йилида кишилар ўзларининг маънавий-руҳий ҳислатларида анча муҳим ўзгаришлар ҳис этадилар. Етуклик давридаги ижодий қобилият деярли сақланиб қолади. Ҳаёт тажрибасига кўра бошқаларга ўгит бериш ва устозлик даъвоси шу даврда тўла намоён бўлади. Кишилардаги куч ва имкониятларнинг пасая бошлаши шу даврнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бунда кишининг хотираси бўшашади, кўриш қобилияти, юрак қарорати заифлаша бошлайди.

75 — 90 ёш кексалик даври деб аталади. Бу ёшдагилар донишмандлик даражасига эришадилар. Бунга сабаб улар бу ёшда катта оилавий ва ижтимоий ҳаёт мактабини ўтаган бўладилар. Узоқ йиллик ҳаёт синовлари уларга мантиқий хулоса чиқариш, амалий қарор қабул қилиш, эҳтиёт бўлиш, воқеа ва ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини чуқур англаб етишга ундайди. Кексалик хусусияти шундаки, унда ҳаётга эътиқод, қарашлар аниқ ва қатъий бўлади. Бу ёшдаги кишилар ўзларига нисбатан жамоатчилик ва айниқса ёшларнинг иззат-икромига, эътиқодига ҳақли равишда эҳтиёж сезадилар. «Ёшнинг ҳурмати — қаро, қарининг ҳурмати — фарз» деб шунга айтадилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ёшлар кўпроқ келажак умиди билан яшаганликлари учун кексалар яратиб берган пойдевор қадрига баъзан етарли баҳо беролмайдилар.

Бу ўринда асосий эътиборни ёшларни кексаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратмоқ зарур. Кексалардаги маънавий ҳаётга хос бўлган анша ва бошқа ажойиб фазилатларни, ахлоқни ёшларнинг ҳаёт тарзига сингдириши айниқса муҳимдир.

Ҳаётимизнинг моддий, маънавий соҳаларида жиддий ютуқларга эришилган сари кексаларнинг меҳнат фаолияти ҳам узайиб бораверади. Тўғри, кексалар ишда жисмоний, асабий ва руҳий тез чарчайдилар. Лекин ўз фаолиятларини яхши ташкил этабилганликлари ва ўз кучларини тежам билан, оқилона, малакали сарфлашлари туфайли уларнинг меҳнати унумли бўлади. Кексалар масъулиятни чуқурроқ ҳис этиш туфайли ўз кучлари ва имкониятларидан яхши фойдаланадилар, Халқимиз «қари билганни пари билмас», деб бежиз айтмаган.

Кексалар маънавий жиҳатдан бутун ҳаёт давомида ўсиб борадилар. Уларнинг маънавий ҳаётга қизиқиши, тажрибаси, малакаси, интеллектуал қобилияти тобора ошиб боради. Кексаликда ижодий меҳнат, яни фикрларнинг тугилиши ва янги вазифаларни ҳал қилиш имконияти сақланиб қолади. Кексаларда маънавий-сиёсий қарашлар узил-кесил аниқлашади. Улар ҳаёт синовидан ўтган бўладилар. Шунинг учун ҳам Гегель: ёшларнинг оғзидан чиққан сўз, гарчи у ҳикматли сўз бўлса-да, бошқа-ю, ҳаётдан кўп нарсани ўрганиб камолга етган кишиларнинг оғзидан чиққан сўз бошқа, деган эди. В. И. Ленин бу фикрлар ёнига «Ўрнли материалистик таққослаш» деб ёзиб қўйган эди.

Бизнинг жамиятимизда меҳнат активлигининг резерви бўлган кексаларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатдаги роли тобора ошиб бормоқда. Кундалик ҳаётимизнинг ўзи бунга яққол мисол бўлади, Ҳамроқул Турсунқулов, Мамажон ота Тошматов сингари доигдор пахтакорлар, Ўзбек ишчилар синфининг илғор намояндаси Абдушукур Қодиров, фанимизнинг фахри ва ғурури атоқли маърифатчи Қори Ниёзий ва бошқа кўпдан-кўп отахонлар социалистик тузум шароитида ижодий ва актив меҳнат қобилиятларини тўла намоён қилиб, эл-юртимизда, бутун мамлакатимизда катта ҳурмат қозонганлар.

Ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида ижодий меҳнат тарбиясининг аҳамияти тобора ошиб бораётган ҳозирги даврда кексалар маслаҳати ва фаолиятига эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Уларни қобилиятига яраша ишга жалб этиш, ҳаёт ва меҳнат малакаларидан самарали фойдаланиш, социализм учун курашдаги бой тажрибаларини чуқур ўрганиш юзасидан кенг тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу катта резервдан самарали фойдаланмаслик, уларни диний хурофотлар, ўтмишнинг зарарли сарқитларн таъсирида қолдириш тузумимизга обрўйинга путур етказади, тарбиявий ишларимизни бўшаштиради.

Табиат баҳорини болаликка, ёзини йигитликка, кузини баркамолликка ва қишини кексалик даврига қиёс қиладилар. Келажак эҳтиёжи билан яшаётган ёшлар ҳозирги кексаларда ўз эртасини кўрадилар. Шунинг учун кексаларга бўлган эътибор орқали барча ишларимиз янада тўлақонли, янада ишончли, янада самарали бўлади. Бизнинг буюк ишларимиз кексаларимиз яратган пойдевор устига қурилмоқда. Уларнинг ҳаёт тажрибасидан, билимидан тўла фойдаланиш давр тақозасидир. **«Бу эса партия сиёсий йўлининг, унинг революцион традицияларининг давомийлиги учун мажбурий шартдир»,** — дейди Л. И. Брежнев. Кексалар боғлаган улуғвор ишларни қанчалик ғайрат билан давом эттирсак, тараққиёт чўққиларига шунчалик тез кўтарилamиз.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VI Пленумида алоҳида таъкидланганидек, тажриба орттирган кекса кадрларимизни юксак баҳолаймоқдамиз. Бундай кекса кадрлар ижтимоий масъулиятни яхши ҳис қила оладилар, жадал ривожланиб бораётган турмушимиз билан баб-баравар қадам ташлай оладилар.

Бахт — чиндан ҳам меҳнат самараси, доноким ёшидаги кексаларнинг ҳайрли меҳнати эса —мўътабар бахт. «Қаринг бор— бараканг бор», дейди халқимиз. Зотан, кексалар оиламиз қувончи, меҳнат коллективларимиз фахри, жамиятимиз ақл-заковати, ҳаётимиз ор-номусидир. Уларни эҳтиёт қилайлик, умрига-умр, соғлигига-соғлиқ, бахтига-бахт қўшайлик.

Ҳайдар ПЎЛАТОВ,
фалсафа фанлари доктори.

АХБОРОТ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Қутлуғ санага атаб

Оқдарё районидаги «Даҳбед» совхозида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан «КПСС ленинча ички ва ташқи сиёсатининг тантанаси» деган мавзуда илмий конференция бўлиб ўтди. Бу анжуман Оқдарё район партия комитети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, «Даҳбед» совхози партия комитети ва «Билим» жамиятининг район бўлими томонидан уюштирилди.

Турли соҳаларда ишловчи 450 дан ортиқ киши иштирок этган бу конференцияда Самарқанд Давлат университетининг доценти Х. Хуррамовнинг «Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси», университет ассистенти Р. Режеповнинг «КПССнинг жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун кураши» ва район Совети ижроия комитети раисининг муовини У. Шукуровнинг «Совет ҳокимияти йилларида Оқдарё район меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлар» деган мавзулардаги маърузалари тингланди.

В. ТУРСУНОВ,
«Даҳбед» совхози партия комитети секретарининг ўринбосари.

Ҳожатбарор кишилар

Жонажон республикамизнинг олтин тўйи олдидан чирчиқликлар муносиб совға олдилар: марказий кўчадаги кўп қаватли бинонинг биринчи қаватида намунали дорихона ишга туширилди. Дорихонага кираверишда ўзбек халқининг машҳур алломаси Абу Али Ибн Сино портретига кишининг назари тушади. Дорихона фойесидаги манзарали гуллар, аквариумлардаги олтин балиқчалар, столлар устига қўйилган доришуносликка оид турли адабиётлар диққатингизни жалб этади.

Дорихона мудири Зуҳриддин Нуриддинов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Республика Дорихоналар бошқармаси бизнинг 132-дорихонани намунали ташкил қилишда катта ғамхўрлик кўрсатди. Биз беморлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туриш, фармацевтикага оид адабиётларни пропаганда қилиш имкониятига эга бўлдик. Йўл-йўлакай дори-дармонлар аҳамиятини тушунтириб борамиз, кишиларни кўпроқ қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиляпмиз. Дори-дармонлар одамларнинг уларига элтиб берилятти. Қисқаси, меҳнаткашларга намунали медицина хизмати кўрсатиш учун бизда барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Дорихонамиз малакали фармацевт-кадрлар билан таъминланган.

Т. УРУНОВ.

Қардошлик қонуни билан

«Белоруссия» нашриёти «Иттифоқдош республикалар» сериясидаги нашрларни босмадан чиқаришни давом эттиряпти. Яқинда белорус тилида «Ўзбекистон ССР» деб номланган китоб чоп этилди. Китоб «Тарих саҳифалари», «Ҳаммаси инсон учун», «Қардошлар қўллари билан бунёд этилган пойтахт» каби ўн битта бўлимдан иборат.

Қардош Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи бу китоб чиройли безак олган. Унда кўпгина ёркин фотосуратлар берилган.

И. КОГАН,
«Днепровская правда» район газетаси ходими.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан Т. Қувноқов (Сирдарё), М. Алиев, С. Умаров (Андижон), М. Туқсонов (Самарқанд), Л. Ветштейн, В. Морозов (Навоий), Е. Стерехова (Фарғона) ва бошқалар йўллаган хат-хабарларда ҳаётимизнинг турли қирралари ўз ифодасини топган.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

БОБОТОҒ БАҒРИДА

Боботоғ Сурхон водийсининг энг кўркам ва баҳаво ерларидан. Шўрчи районидаги бу сўлим масканда ўрмон хўжалиги жойлашган. Сердарахт ва серманзара хўжаликда одамлар йилқичилик ва соҳибкорлик билан шуғулланадилар. Маҳаллий аҳоли ёввойи ҳолда ўсувчи дорнвор ўсимликлар, ноз-неъматлар териш ва парвариш қилиш билан машғул.

Боботоғда етиштирилаётган турли хил мевали ва манзарали кўчатларнинг сон-саноғи йўқ. Яқинда «Сурхансовхозводстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси ҳузурида Шеробод чўлида барпо этилаётган ва мавжуд совхозларда кўчат ўтқазувчи кўчма механизациялашган колонна ташкил қилинди. Кўчат ўтқазувчи колоннага турли хил ниҳолларни етказиб бериш Боботоғ ўрмон хўжалиги ходимлари зиммасига юкланган. Ўрмончилар чўл учун бугунгача 1,5 миллион тупдан зиёд ҳар хил мевали ва манзарали кўчатлар тайёрлади.

Боботоғ бағрида йилқичилик яхши йўлга қўйилган. Ўрмон атрофидаги яйловларда ва махсус ажратилган майдонларда йилқичилик фермасига қарашли отлар боқилмоқда. Ҳозир фермада 60 та йилқи бўлиб, шундан 20 таси соғин биялардир. Йилқиларга тажрибали отбоқар Е. Тўрақулов қараяпти. Биялардан олинаётган сут-қимиз райондаги ихтисослашган диспансерга даволанаётган-ларга қўл келяпти. Даволанувчилар Ойсоат Хидировани иккинчи шифокоримиз дейишади. Чунки, Ҳидирова моҳир соғувчи, қимиз тайёрлашнинг устаси. Ойсоат диспансерга бир тонналдан ортиқ сут етказиб берди.

Ўрмон хўжалигида кейинги йилларда тоғ гиёҳлари ва доривор ўсимликларни йиғиштириш намунали йўлга қўйилди. Жумладан, анзур пиёзи йиғиштиришда Саъдулла Пардаев, Бобониёз Абдуллаев, Камолиддин Қаюмов, Бегмат Абдуллаевлар ҳосил топшириш планини ортиғи билан бажардилар. Куз яхши келгачлиги туфайли анзур пиёзи ҳам мўл бўлди. Давлатга қарийб 15 тонна пиёз топширилди. Тоғдан йиғилган табиий ҳосил республикамиз ва қардошларимиз консерва заводларига жўнатилди.

Писта ширасн—смола Ленинграддаги лак-бўёқ заводида хом ашё сифатида ишлатилиб келинмоқда. Нева соҳилидаги бу корхона ҳар йили Боботоғ ўрмон хўжалиги билан мазкур хом ашё бўйича шартнома тузади. Ўрмончилар кўзда тутилган шартномага кўра, корхонага 300 килограммдан ортиқ смолани муддатидан илгари етказиб беришди. Бу борада писта ширасн йиғувчилардан айниқса ёшлар ғайрат кўрсатишди.


Мутахассисларнинг фикрига қараганда, писта смоласи бўёқ ҳамда рассомчиликда, шунингдек, музика асбобларига пардоз беришда фойдаси катта экан. Жумладан, смола қўшиб ишланган нодир асарлар, портрет расмлар 800-1000 йилгача ўз ранги ва жилосини ўзгартирмас экан. Боботоғда бу йил пистанинг ўзидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Планда кўзда тутилган 2660 килограмм ўрнига 3300 килограммга етказиб писта тайёрланди. Боботоғ ўрмончилари табиий бойлик — она-ер эҳсонидан тагин ҳам унумли фойдаланишга ва қадрлашга ҳаракат қилмоқдалар.

М. БОБОМУРОДОВ.



Фотомухбиримиз ўз суратини «Анҳор бўйида» деб атабди. Кўринишдан бу дугоналар табиат қўйнида юргандек. Лекин сурат ҳаваскорлар саҳнасида олинган. Тошкентлик ҳаваскорлар саҳна безагини «жонлаш» қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.



Тошкентдаги уй-жой қурилиши комбинати бинокорлари янги совға олишди. Уларга тўққиз қаватли нўркам бино қуриб берилди. Янги иморат барча қулайликларга эга. Бу ерда яшовчилар бино ёнидаги кафе-ошхона, ижара пункти ҳамда магазин хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Суратда: янги бинонинг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ВА РОССИЯ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИ

СССР Ташқи ишлар министрлиги «СССР ташқи сиёсати ҳужжатлари» ҳамда «Россиянинг XIX ва XX аср бошларидаги ташқи сиёсати» деган кўп томлик нашрларни чоп эта бошлади. Рисолалардан биринчисининг 1917—1934 йилларни ўз ичига олувчи I—XVII томлари, иккинчисининг 1801—1915 йилларни ўз ичига олувчи I—VIII томлари босмадан чиқди. Сўнгги нашрдаги ҳужжатлар асл нусҳа тилида, асосан французча, рус тилига таржимаси билан чоп этилмоқда. Рисолаларнинг томларида рус ва чет эл ҳужжат материаллари келтирилган бўлиб, улар атрофлича шарҳланади. Шунингдек, бу томлар жуда кенг маълумотлар ва географик кўрсаткичлар билан таъминланган.

Биринчи нашр совет ташқи сиёсатининг муҳим ҳужжатларини ўз ичига олади. Бу ҳужжатларнинг кўпчилигини аввал маълум бўлмаган материаллар ташкил этади. Рисолалардаги материалларда Совет давлатининг социализм қурши учун зарур бўлган шарт-шароитни вужудга келтиришдаги актив фаолияти, тинчлик, қуролсизланиш ва коллектив хавфсизлик учун кураши атрофлича ёритилади.

«Россиянинг ташқи сиёсати» нашрига эса Россия ва чет давлатларнинг ўша даврдаги ташқи сиёсатининг кам ўрганилган масалаларини ёритувчи, аввал эълон қилинмаган ноёб ҳужжатлар киритилган. Дастлабки томларда 1812 йилги Ватан уруши ва бошқа ҳарбий кампанияларнинг дипломатия тарихи, таниқли саркардалар М. И. Кутузов, Барклай де Толли ва бошқаларнинг фаолиятига кенг ўрин берилган.

Мазкур нашрларга Совет ва чет эл матбуотида атрофлича тақриз берилиб, жуда юксак баҳо олди. Тўпламлар кенг ўқувчилар доирасига — партия ва илмий ходимлар, ўқитувчилар, лекторлар, аспирантлар, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар тарихи билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

Ҳозир СССР ва чет элда «Россиянинг ташқи сиёсати» нашрининг иккинчи сериясига обуна ўтказилмоқда. Унда 1815 йилги Вена конгрессидан тортиб Францияда 1830 йилги июль революциясигача бўлган даврда юз берган ташқи сиёсий ва халқаро воқеалар акс эттирилади. Мазкур нашрларга якка тартибда ҳам обуна бўлиш мумкин. Бу тўпламлар республика, область ва шаҳар кутубхоналари жавонларидан ҳам муносиб ўрин олиши лозим.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ҚИШЛОҚ СПОРТ ЖАМИЯТЛАРИДА

ИНСТРУКТОРЛАР ЖОНКУЯР БЎЛСИН

Республикамиз қишлоқ кўнгилли спорт жамиятига юзлаб коллектив ва ташкилотчилар бирлашган. Колхоз-совхозларнинг спорт билан ошналашган минглаб йигит қизлари шу жамиятга аъзо. Жисмонан бақувват, эпчил ва чаққон ёшлар далада ҳам, яйловда ҳам, қоларверса ферма ю, устахонада ҳам топилди. Уларнинг сафлари йил сайин кенгайиб боряпти. Улар «оқ олтин» тоғлари бунёд этаётган шавкатли пахтакор номи билан фахрланадилар.

Пахтакорчилар-қишлоқ спортчилари қатор йиллардан бери республика шарафини ҳимоя қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон спортчилари сафида туриб, физкультурачилик ҳаракатига ҳисса қўшяптилар. Пойтахт областининг Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Бухоро областининг Бухоро районидаги «Маданият», Фарғона областининг Қува районидаги «Коммунизм» колхозлари ҳамда Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» (Тошкент области) совхозида айниқса ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Пахтакор» спорт жамияти бошқа жамиятлар орасида аъзоларининг кўплиги жиҳатидан ҳам йирик саналади. Саноқли хўжаликлардагина эришилган муваффақиятни шу жиҳатдан қараганда етарли деб бўлмайди. Хўш, қуйи «коллектив»лар-жамиятнинг колхоз-совхоз, қишлоқ, район ҳамда область советларида «Пахтакор» байроғини баланд кўтариш учун нималар қилиняпти? Спортнинг ҳар хил турларига оид командалар, секциялар, жисмоний тарбия группалари раҳбар-мутахассис кадрлар билан кераклича таъминланганми? Хўжаликларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар муҳайёми? Янги иншоотлар бунёд этиш ишлари қандай йўлга қўйилган? Спортнинг миллий турларини ривожлантириш борасида нималар қилиняпти? Ниҳоят, номдор спортчилар сафида кимлар бор, уларнинг қатори тўлиб боряптими? деган савол туғилади.

Афсуски, масалага атрофлича ёндашадиган бўлсак, бу саволларнинг ҳар бири ҳали кўпгина хўжаликлар олдида ўзига яраша муаммо бўлиб тургани кўринади. Жумладан, янги жорий этилган Бутуниттифоқ жисмоний тарбия комплекси — ГТО нормативларини топшириш ва нишондорларни кўпайтириш ишларини ҳам мақтовга лойиқ дейиш қийин.

Тўғриси, бу борада ҳам ютуқ асосан номлари юқорида қайд қилинган хўжаликларда бўлди. Мазкур қишлоқ ташкилотларида ГТО бўйича ўқув группалари ташкил этилиши, комплекс боскичларга кўра спартакиада мусобақалари ўтказилиши туфайли жисмоний тарбия машғулотларига янги гуруҳ ёшларни жалб қилиш имкониятини берди. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозида ишлаб чиқариш бригадаларида алоҳида ГТО группалари тузиш билан меҳнатга яроқли кишиларнинг қарийб 70 фойизини комплекс нишондори бўлиши учун курашиляпти. Маҳсулот етиштириш билан бир қаторда меҳнат аҳлининг кучига куч, кайфиятига кайфият қўшувчи спорт, жисмоний тарбияга ҳам алоҳида эътибор берилаётгани натижасида пахтакорчи нишондорлар 56 мингдан ошди.

Лекин, бу рақам салмоқдор бўлиши мумкин эди. Негаки, «Меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёр!» комплекси бўйича жойларда етарли иш олиб борилмади. Физкультура ва спорт ишларини ҳанузгача нимадан бошлашни билмай, футбол билангина кифояланиб турган айрим хўжаликлар раҳбарлари ГТО га аҳамият беришса, фойдадан ҳоли бўлмасди. ГТОнинг беш босқичли нормативи жамиятларда оммавийликни таъминлаш, спорт базаларини такомиллаштириш имконини беради, энг муҳими, ёшлар қатори ўрта ҳамда катта ёшдаги кишиларни мусобақаларга жалб қилишга ёрдамлашади.

Қишлоқларда физкультура ва спортнинг оммавийлигини таъминлашда ўқувли мутахассис кадрларнинг роли катта. Спорт ишларини мирйдан-сиригача яхши биладиган инструктор, тренер — устозлар бўлмаса олдинга силжиш қийин. Бу соҳада баъзи тадбирлар амалга оширилди. Жисмоний тарбия ходимлари ва активистлар ўқуви ташкил этилди. Семинар, методик конференциялар, тренер ва судьялар малакасини ошириш тадбирлари ўтказиб турилибди. Шунга қарамай ўрта ва олий маълумотли мутахассисларимиз 200 дан ошмайди. Иш олиб бораётган ходимларнинг қарийб 70 проценти махсус маълумотга эга эмас.

Кадрлар тайёрлаш Андижон ва Фарғона областларида дуруст йўлга қўйилган. Бошқа қатор область жамияти советлари жисмоний тарбия инструкторлари тарбиялаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Натижада спортга алоқаси бўлмаган бошқа ихтисосдаги кишилар физкультура инструктори лавозимида колхоз-совхоз маблағини бекорга совуриб ётишибди. Жамоатчи инструкторларга амалий ёрдам кўрсатилса, умумий ҳаракатга нафи тегарди.

Айтайлик, тажрибали тренер бору, спорт базаси йўқ. Мукаммал, ҳар томонлама қулай база қишлоқда ҳам физкультурачилик ҳаракатининг ривожланишида муҳим омилдир. Кўркам стадион ёки спорт майдончаси ёшларда ҳавас уйғотади. Уларни катта давра сари етаклайди, маҳоратли бўлиш иштиёқини оширади. Кучлилар сафи ортади. Стадионлар, спорт майдончалари ўз-ўзидан гавжумлашмайди. Ташкилий ишларни йўлга қўйиб, улардан фойдалана билиш керак. Акс ҳолда Хоразм, Бухоро, Андижон, Фарғона областидаги айрим спорт иншоотлари сингари қуруқ савлат бўлиб тураверади.

Наманган, Сурхондарё ва Тошкент области қишлоқ кўнгилли жамиятлари қурилишга етарли аҳамият бераётирлар. Мазкур жамият советлари бугунги кунда мавжуд 50 стадион, 17 спорт зали, 900 дан зиёд майдончалардан иборат иншоотларимиз қаторига янгиларини бунёд этишяпти. Аксарият объектлар хўжалик маблағи ҳисобига қуриляпти. Гоҳида хўжалик ташкилотлари жамият советлари билан бамаслаҳат иш тутмаслиги натижасида объектлар тиклаш муддати 7—10 йилга чўзилиб кетмоқда. Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда спорт иншоотлари қурилиши айниқса ўлда-жўлда. Аксарият жамият советлари раҳбарлари қишлоқларда спорт базасини мустаҳкамлаш ҳақида қайғуришмайдилар.

Жойларда стадион, майдон ёки заллар ойлаб бўм-бўш бўлади. Оммавий мусобақалар камдан-кам уюштирилади. Қимматбаҳо инвентарь, спорт техникасидан фойдаланилмай, чанг босиб ётади. Ахир спорт зали қуриб, жиҳозланиши билан қишлоқда физкультурачилик ҳаракати тўғри йўлга солинган деб бўлмайди-ку. Бу жойларда физкультура коллективлари ўртасида спартакиада, баҳор ва кузги кросслар, очиқ стартлар уюштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Келаси йил республика II спорт ўйинлари мусобақалари ўтказилади. Спортнинг 13 тури бўйича уюштириладиган мусобақалар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейига бағишланади. Катта мусобақа низомига кўра, қишлоқ спорт ўйинлари ўтказиш бўйича область ташкилий комитетлари тузилган. Дастлабки босқичда 1922 коллективдан 1618 таси иштирок этди. 469 минг пахтакорчидан 266 минги ўз маҳоратини синаб кўрди. Шу билан бирга ҳал қилувчи беллашувлар бошланмай туриб, камчиликлар кўриниб қолди. 300 дан зиёд коллектив аъзолари ҳали стартга чиқани йўқ. Жами пахтакорчиларнинг 56 процентигина мусобақага жалб қилинди, холос. Хоразм, Фарғона, ҚҚ АССР жамияти советларида бундай мусобақанинг моҳиятига эътибор қилинмаяпти.

Қишлоқ шароитида спортнинг миллий турларини ривожлантириш учун имконият катта. Умуман олганда, полвонлар беллашуви ҳамда чавандозликда бироз жонланиш бор. Пахтакорчи курашчилар Ўзбекистон биринчилиги ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон полвонлари беллашувида қатнашиб, яхшм натижага эришдилар. Қишлоқ суворийлари мамлакат чемпионатларида куч синашдилар.

От спорт клублари ва секцияларида минглаб қишлоқ ёшлари шуғулланмоқдалар. Шу йилнинг ўзида 9 чавандоз спорт мастери унвонини олишга муяссар бўлди. 8 полвонга спортнинг миллий тури бўйича республика мастери номи берилди. Курашчилар устози ўртоқ Икромов эса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер деб тан олинди.

Бир қарашда ютуқлар бордай. Республиканинг ҳали бирорта ҳам ўқув юртида малакали, спортнинг мазкур турларига ихтисослашган тренер ёки инструкторлар тайёрланмаётир. Бу камчилик яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ спорт ўйинларида пахтакорчиларнинг кўрсатган «маҳорат»ларида, республикамиз очколар жамғармасига кўшган ҳиссасида яққол кўзга ташланди. Яхши ҳамки волейболчилар, боксчи, ватерполчи ва бошқалар Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Қишлоқларда қобилиятли ўғил-қизларни тарбиялашга лоқайдлик билан қараётган ташкилотлар ҳам оз эмас. Колхоз-қишлоқлараро оммавий мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш айни муддао. Чунки «спортга астойдил меҳр қўйганлар шундай кичик мусобақаларда сараланади ва голиб сифатида кучлилар қаторидан жой олишга интилади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қишлоқ ўғил-қизларига ҳам очиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан.

Қишлоқда спорт ҳаракатининг оммавийлигини таъминлаш учун мавжуд резервлардан тўла фойдаланиб, спорт хўжалигини устаялик билан бошқариш, инструкторлар фаолиятини ошириш керак. Бу масалада жисмоний тарбия ва спорт жонкуярлари бош-қош бўлишса, пахтакор-у соҳибкор, чорвадору механизатор, сувчи-югаллакорлар орасидан республика спорт шарафини ҳимоя қиладиган байроқдорлар кўп чиқади.

Ф. ШОКИРОВ,
«Пахтакор» Қишлоқ кўнгилли спорт жамияти республика марказий советининг раиси.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар (Москва). 19.50 — «Мардлик — маънулик». 20.20 — Миллионлик ленинча университети. 20.35—Ўн минут музика. 20.45 — «Ахборот». 21.05 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. Концерт. 19.00 — Рассом ижодхонасида. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Концерт залида. 20.45 — Бизнинг муқобил план. 20.50 — Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси (бадиий фильмнинг 11-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент области шаҳарларининг эстафетаси. 22.30 — Қизиқибек (бадиий фильмнинг 1-серияси). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Фильм-концерт. 20.40 — Бўрилар ва қўйлар (фильм-спектаклнинг 2-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/XII да **Травиата**, 13/XII да **Дон Жуан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/XII да **Абу Райҳон Беруний**, 13/XII да **Мирзо Улуғбек**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/XII да **Навоий Астрободда**, 13/XII да **Лақма**.

КИНО

Муҳаббат алангаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК» «МОСКВА» (кундуз ва кечкуруи).

Қалпоқ Цеплис — «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номли, «КЎКЧА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкуруи), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Оддий кишимдаги киши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Дайди — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкуруи).

Эҳтиром ташрифи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкуруи).

Фантомас — «МИР» (кундуз ва кечкуруи).

ИШҚИБОЗ БАЛИҚЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

СПОРТ-НИШҚИБОЗЛИГИ БИЛАН БАЛИҚ ТУТИШГА ЧИҚҚАНДА БИР КИШИГА 5 КИЛОГРАММДАН КЎП БАЛИҚ ОВЛАШГА РУХСАТ БЕРИЛМАЙДИ.

Битта балиқнинг оғирлиги 5 килограммдан ортиқ бўлган ҳолда бундан мустасноднр.

«УЗБЕКРИБВОД».

Алибн учун ярим миллиард — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечкуруи).

Гул ва тош — Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечкуруи).

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

сиртқи бўлимнинг 1 курсига қуйидаги ихтисослар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агрономия — пахтачилик бўйича агрономлар тайёрлайди. Ўқиш муддати — 5 йилу 4 ой.

Гидромелиорация — сув хўжаликлари, мелиорация, суғориш системалари ва иншоотлари бўйича инженер-гидротехниклар тайёрлайди. Ўқиш муддати — 6 йил.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш — машина-трактор паркларини ремонт ва эксплуатация қилиш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди. Ўқиш муддати — 6 йил.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: агрономия ихтисосига — биология (оғзаки), химия (оғзаки), физика (оғзаки), она тили (ёзма);

гидромелиорация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ихтисосларига — математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), она тили (ёзма).

Институт ректори номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), ишлаётган жойидан характеристика, таржима ҳоли, медицина справкаси (286-форма), ишлаётганлиги ҳақида справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), паспорт ва ҳарбий билетни ёки хизматга чақирилувчилар гувоҳномаларини шахсан кўрсатадилар.

Ҳужжатлар 31 декабргача, кирши имтиҳонлари 1974 йил 2 январдан бошлаб қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Избоскан район, Куйганёр қишлоғи, Пахтачилик институти.

БАХТЛИ РАҚАМЛАР



УСТЬ-КАМЕНОГОРСК шаҳрида 10 декабрда ўтказилган «СПОРТЛОТО» ва 2.«СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражида қуйидаги рақамларга ютуқ чиқди.

«СПОРТЛОТО»
9, 22, 24, 30, 37, 46
2-«СПОРТЛОТО»
2, 9, 11, 21, 22, 24.

СПОРТ янгиликлари

МОСКВА. Муз устида фигурали учиш бўйича саккизинчи марта ўтказилаётган «Москва коньки-си» мусобақалари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Халқаро ўйинда жаҳоннинг 11 мамлакатидан келган кучли спортчилар ўз маҳоратларини ишга солишмоқда. Мусобақанинг дастлабки голиблари ҳам маълум бўлди. Жуфт бўлиб учишда Л. Смирнова билан А. Уланов халқаро турнир голиби деган номга муяссар бўлдилар. Шунингдек, Г. Шандерль (ГФР), Н. Линичук ва Г. Карпоносов (СССР)лар ҳам олдинда боришмоқда.

ТЕҲРОН. Спортнинг эркин кураш тури бўйича Эрон кубоги учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этган совет полвонлари муваффақият қозондилар. Курашчиларимиз тўртта олтин ва шунча кумуш медаль совриндори бўлишди. Ғолиблар орасида ленинградлик В. Новожилов, олмаоталик Т. Суриков, киевлик В. Гулготин ва тбилисилик Н. Модебадзелар бор.

МЕЛЕЦ. Польшада нафис гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда омсклик студент, жаҳоннинг мутлақ чемпиони Галина Шукурова Интервидение кубоги совриндори бўлиб қайтди.

МОСКВА. Мамлакатимиз сув тўпи усталари биринчи марта Европа чемпионлари кубоги совриндори бўлдилар. Барча мусобақаларни маглубиятсиз ўтказган Москва Давлат университети студентлари фахрий ўринга кўтарилдилар. Спортчиларимиз жами 6 очко тўплашди. 2-3 фахрий ўринлар ўтган йилги совриндор — Будапешт медицина институти командаси билан мазкур кубокни тўрт марта қўлга киритган Белграднинг «Партизан» коллективига берилди.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 02817. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 29С.